SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2018-yil, 22-fevral. Payshanba • 16 (32.384) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ВА ИМПОРТНИ ҚИСҚАРТИРИШ РЕЖАСИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 февраль куни импорт ҳажмини қисқартириш ва маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишларини таҳлил қилиш, бу борадаги энг муҳим вазифаларни белгилаб олишга бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Маълумки, 2017 йил 19 апрель куни шу масалада видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган ва унда маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ҳисобидан импорт ҳажмини ошириш ва турларини мақбуллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган эди. Шунга мувофиқ, ўтган йили муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 9,9 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 512 миллион долларлик ёки 2016 йилга нисбатан 20 фоиз кўп маҳаллийлаштирилган маҳсулот экспорт қилинди. 100 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, базавий тармоқларда импорт 353 миллион долларга қисқартирилгани ҳам бу борадаги ишларнинг ижобий натижалари бўлди.

Давлатимиз раҳбари Маҳаллийлаштириш дастури ва импортни қисқартириш режаси ижросини чуқур таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчиликларни танқидий баҳолади. 2017 йилда 948 та маҳаллийлаштириш лойиҳасидан 176 таси бўйича ишлаб чиқариш бошланмагани, 218 таси бўйича эса ишлаб чиқариш прогнози бажарилмаганини кўрсатиб ўтилди.

Масалан, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 77 та лойиҳаси бўйича 206 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмаган. «Ўзбекозиқовқатхолдинг» томонидан 12 та, «Ўзавтосаноат» томонидан 17 та, Тошкент шаҳрида 65 та, Тошкент вилоятида 65 та лойиҳа етарли даражада бажарилмаган.

Импортни қисқартириш режаси 88 фоизга бажарилгани қайд этилди. «Ўзагротехсаноатхолдинг»да бу режа атиги 3 фоиз, «Ўзпахтасаноат»да 30 фоиз бажарилгани танқид қилинди. Жорий йил январь ойида мамлакатимиз бўйича импорт ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 403 миллион долларга ошгани сабаблари атрофлича таҳлил қилинди.

Президентимиз шу каби камчилик ва сусткашликлар юзасидан мутасадди раҳбарлардан изоҳ сўради. Жумладан, Ўзбекистонда бир йилда озиқ-овқат импорти унинг экспортидан 1,5 баробар кўп бўлгани танқид остига олинди.

Йиғилишда бир қатор хўжалик бирлашмалари томонидан ўз фаолиятига мос бўлмаган ёки мамлакатимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган товарларни импорт қилиш ҳолатлари камайиш ўрнига кўпаяётгани қайд этилди. 2017 йилда 185 миллион долларлик, жорий йил январь ойида эса 65 миллион долларлик шундай маҳсулотлар импорт қилинган.

Масалан, ўтган йили «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси томонидан 9 миллион долларлик светодиод чироқлар, прожекторлар ва бошқа товарлар, «Ўзбекнефтгаз» тизимига 2 миллион долларлик пўлат қувур, кабель, иситиш қозони, электродлар, «Ўзбекэнерго» томонидан 800 минг долларга пўлат сим ва енгил автомобиль олиб келинган.

Йиғилишда шу ва бошқа саноат тармоқларида ускуна ва бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди.

Тармоқлар учун зарур ускуналар ва тез ишдан чиқувчи бутловчи қисмларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тўғрисида 10-15 йилдан буён гапирамиз. Лекин ташаббус ва амалий ҳаракат йўқ. Бир қатор соҳа раҳбарлари маҳаллийлаштиришни ўйламаяпти, зарур маҳсулотни осонгина четдан келтириб қўя қоляпти. Бунга ҳозирги рақобат шароитида машаққат билан топилаётган, иқтисодиётнинг таянчи бўлган валюта маблағлари сарф бўлиб кетмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш учун берилган солиқ ва божхона имтиёзларининг натижадорлиги ҳам таҳлил қилинди.

Айрим товарлар бўйича божхона тўловлари асоссиз тайинлангани натижасида юртимизда ишлаб чиқарилган баъзи товарлар нархи импорт баҳосидан юқори бўлмоқда. Масалан, тўқимачилик саноати учун импорт қилинадиган тайёр ускуналар барча божхона тўловларидан озод этилган. Аммо шу ускунани ишлаб чиқариш учун бутловчи қисм импорт қилинадиган бўлса, 20 фоизлик қўшимча қиймат солиғи тўланади.

Солиқ имтиёзларида ҳам шу каби номукаммалликлар мавжуд. Шу боис 2018 йил 1 апрелдан бошлаб, маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича имтиёзлар тўхтатилади. Энди ҳар хил нопок корхоналарнинг Маҳаллийлаштириш дастурига кириб, солиқ тўлашдан қочишига имкон бўлмайди. Маҳаллийлаштириш дастурига иқтисодиёт учун ҳақиқатан зарур бўлган лойиҳалар киритилиб, қатъий назоратга олинади.

Йиғилишда Президент соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, маҳаллийлаштиришни ривожлантириш бўйича долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Иқтисодиёт ва Ташқи савдо вазирликларига пишиқ-пухта ишланган янги Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш бўйича топшириқ берилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган, рақобатбардош нархда маҳаллийлаштириш имкони бўлмаган айрим бутловчи қисмларни импорт қилишда божхона тўловларини бекор қилиш юзасидан аниқ таклифлар киритиш зарурлиги таъкидланди.

Йирик корхоналар ва кичик бизнес учун ускуналар, тез ишдан чиқувчи қисмлар, штампланган маҳсулотлар, кичик гидрогенераторлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан кўрсатма берилди. Шунингдек, қўшимча 16 минг тонна гранула ишлаб чиқариб, ички бозорга етказиб бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк ва хўжалик бирлашмалари раҳбар ва масъул ходимларидан иборат таркибда Импорт ҳажми ва таркибини тизимли равишда таҳлил қилиш асосида янги маҳаллийлаштириш қувватлари ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи тузиш вазифаси қўйилди.

Маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида айрим товарлар бўйича божхона тўловлари ставкаларини оптималлаштириш юзасидан топшириқ берилди.

Асосий мақсадимиз, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, деди Шавкат Мирзиёев. Бунинг учун, аввало, иқтисодиётимиз рақобатбардош бўлиши, маҳсулотлар юртимизда ишлаб чиқарилиши зарур. Барча раҳбарлар шундан қатъий хулоса қилиб, зиммасидаги вазифаларга муносабатини тубдан ўзгартириши ва масъулиятни ошириши керак.

**ЎзА**

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида йигитларни Қуролли Кучлар сафига кузатиш ишлари қизғин давом этмоқда. Кеча Тошкент шаҳар йиғин пунктида ҳам бир гуруҳ ёшларни ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

## Ватан ҳимояси — шарафли бурч

Соат 12.00. Мана, илк бор ҳарбий кийимни кийган йигитлар шаҳдам қадамлар ташлаб, йиғин пунктидаги майдонга кириб келиб, саф тортишди. Давлатимиз мадҳияси янгради. Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари Комилжон Зоҳидов ҳамда ота-оналар номидан сўзга чиққанлар Ватан ҳимоясига отланган ўғлонларимизга эзгу тилаклар билдиришди.

— Яшнобод туманида яшайман, — дейди кўзларида ёш қалқиб турган аскар онаси Ҳилола Нормуродова. — Жуда ҳаяжондаман, ўғлим Равшанбек болалигидан тартиб-интизомли, ғайратли бўлиб ўсди. Каратэ ва дзюдо спорт тўгаракларига қатнади. У «катта бўлсам, албатта аскар бўламан, аскарликдан қайтиб, ҳарбий билим юртига ўқишга кираман», дерди. У аскарлик орзусига эришди. Ўғлимни ҳарбий хизматга кузатар эканман, тўғриси, қандай ғурурланаётганимни сўз билан ифода қилолмайман. Ўғлим Ватанимиз ҳимоясида намунали хизмат қилишига ишонаман.

— Мен бугун ўғлим Суннатила Аҳадовни Қуролли Кучларимиз сафига кузатишга келдим, — дейди Олмазор туманидан аскар отаси Абдумурод Тиллаев. — Бир пайтлар ўзбек йигитлари собиқ иттифоқнинг турли бурчакларига икки йилга, ҳатто денгиз флотига уч йилга ҳарбий хизматга юбориларди. Ўша пайтлардаги салбий ҳолатларни ёши катталар яхши билишади. Юртимиз мустақилликка эришгач, Биринчи Президентимиз томонидан миллий армиямизни ташкил этишга киришилди. Қисқа муддатда ихчам, турли тажовузларга қарши жавоб берадиган Қуролли Кучларимиз ташкил этилди. Мен бугунги кунда ҳарбий қисмларда яратилган шароит ва имкониятларни ҳисобга олиб, аскарликка кетаётган фарзандимга «ҳамиша ҳалол, жасур, қатъиятли ва шижоатли бўлгин», дейман.

Ватан ҳимоясига отланган аскарларимиз ўз бурчларини шараф билан ўташларига тилакдошмиз.

**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**МУНОСАБАТ**

## Янги қадамлар, янги марралар



*Робия КАЗИМОВА, ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси вазифасини бажарувчи:*

— Президентимизнинг 16-17 февраль кунлари вилоятимизга амалга оширган ташрифи барчага кўтаринки кайфият бағишлади, бухороликларни янги манзиллар сари янада руҳлантирди.

Айтиш керакки, вилоятимизда ҳар бир соҳада ўзгаришлар кўзга ташланяпти. Янги саноат корхоналари, тадбиркорлик субъектлари ташкил этиляпти. Маҳаллийлаштириш даражаси ва экспорт ҳажми ошяпти. Транспорт ва сервис инфратузилмаси ривожлантирилмоқда, сайёҳлар оқими кўпайгани сезилмоқда. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаган имкониятлар ишга солинмоқда, янги уй-жойлар, ижтимоий объектлар қуриляпти.

Ғиждувон туманида тут баргидан чой тайёрлаш лойиҳаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур чой таркибида кофеин ва танин моддаси йўқлиги аҳамиятли экани айтиляпти. Давлатимиз раҳбари бу энг самарали лойиҳалардан бири бўлишини, янги ишлаб чиқариладиган чойнинг ноёблиги ва инсон саломатлиги учун ғоят фойдали эканини таъкидлади.

Лойиҳа бўйича ишлар бошлаб юборилган. Маҳсулот 2019 йилдан экспортга чиқарилиши мўлжалланмоқда.

Цистанхе ва исириқ етиштирилиши вилоятимизда ўзига хос янгилик бўлди. Цистанхе ўсимлигининг илдизи доривор ҳисобланиб, хавфли ўсма касалликларининг олдини олади. Шамоллашни кеткизиш, иммунитетни ошириш хусусиятларига эга. Бу ўсимликдан тайёрланадиган тиббий ичимлик, айниқса, аёлларимизнинг соғлиғи учун фойдали экан. Япониялик олимларнинг таъкидлашича, у женьшендан беш баробар самарали ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Қозоғистон Марказий Осиёда ушбу ўсимликни экспорт қилувчи ягона давлат бўлиб, йилига хорижга 100-150 тоннагача маҳсулот сотади. Умуман, бу анча сердаромад иш. Янги лойиҳага кўра, 3 минг гектар ерда шундай ўсимлик етиштириш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш режалаштирилган. Натижада 400 кишининг бандлиги таъминланади.

Реал ҳаётга тўғри келадиган янги лойиҳалар амалга ошишига кўмаклашиш депутатлар, партиямиз фаолларига ҳам қатор вазифалар юклайди. «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли», «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловлари орқали хотин-қизлар ҳамда ёшларни янги лойиҳалар яратишга рағбатлантириш ишларини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратамиз.

Масалан, бу йил «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби қоракўл қўйи жунини қайта ишлаш орқали пайпоқлар тайёрлаш лойиҳасини тақдим этди. Дунёда табиий маҳсулотларга талаб юқори. Демак, ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган товар нафақат ички бозоримизда, балки хорижда ҳам ўз харидорларига эга бўлади.

«Ёш сиёсатчи — 2017» кўрик-танлови ғолибининг туризм соҳасини ривожлантиришга оид лойиҳаси ҳам ҳаётга татбиқ этилмоқда. Унга кўра, ёш меъморларни ўқитиш йўлга қўйилди. Уста меъморлар «устоз-шогирд» анъанаси асосида ёшларга ўз ҳунари сирларини ўргатишмоқда. Кошинсозлик, ганж ва ёғоч ўймакорлиги, умуман, 10 йўналишда уста-меъморлар тайёрланади. Натижада Бухородаги қадимий иморатларни ўзимизнинг ёш усталар таъмирлаши билан боғлиқ имкониятлар оширилади.

Вилоятда туризмни ривожлантириш, янги инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш бўйича ўзимизнинг дастуримизни белгилаб олиб, уни амалга оширишга киришдик.

Шу ўринда биз бухороликларни, жуда севинтираётган режа ҳақида алоҳида айтмасам, бўлмайди. Бу — Бухоро вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантириш режаси. Насиб қилса, 2019 йилдан вилоятимизнинг асосий қисми ичимлик суви билан таъминланади. Ҳозирги кўрсаткич 51 фоиз, холос. Давлатимиз раҳбари сув масаласи билан боғлиқ лойиҳаларни имкон қадар қисқа муддатларда, лекин сифатли бажариш кераклигини уқтирди.

Бугун вилоятимизда амалга оширилаётган бу ислоҳотлар одамларни ниҳоятда мамнун этмоқда.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА**
**ёзиб олди.**

**ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ**

## 100 та энг яхши инновацион лойиҳа

### эгалари тақдирланди

**Республика Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги Ихтирочи аёллар уюшмаси томонидан «Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси» I Республика танлови ўтказилди. Унда кўплаб олима аёллар, тадқиқотчилар, турли соҳа вакиллари, талабалар, ҳатто ўқувчи қизлар ҳам иштирок этди.**

Танлов қатнашчилари 3 босқичда «Энг яхши ихтиро», «Энг яхши фойдали модель», «Энг яхши саноат намунаси», «Омадли старт» каби 11 номинация бўйича саралаб олинди. Дастлабки босқичда 3000 дан зиёд хотин-қиз қатнашди.

Жорий йилнинг 6-7 февраль кунлари пойтахтимизда танловнинг якуний босқичи кўтаринки руҳда ўтди. Унда мутахассислар ҳар бир лойиҳа устида муҳокамалар олиб боришди. Қатнашчилар тақдим этган маълумотлар, ташаббусларнинг ҳаётийлиги, истиқболлилиги инобатга олинган ҳолда, 100 та энг яхши лойиҳа саралаб олинди.

Куни кеча «Туркистон» санъат саройида бўлиб ўтган танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросимида келгуси вазифалар хусусида ҳам сўз юритилди.

Таъкидландики, лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш асосий мақсад бўлади. Инновацион фаолиятни тарғиб қилиш ҳамда ривожлантириш, республикамизнинг турли корхоналарида самарали ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда хотин-қизларнинг ижодий салоҳиятини кучайтириш чоралари кўрилади.

Бундан ташқари, олий таълим муассасалари, илмий-текшириш институтлари, илмий ишлаб чиқариш марказлари олимлари ва саноат корхоналарининг етакчи мутахассислари билан «устоз-шогирд» тизими асосида ҳамкорлик йўлга қўйилиб, тадбирлар ўтказилади. Уюшмада фаолият юритадиган «Янги авлод олималари», «Ихтирочи аёллар» ҳамда «Тадбиркор аёллар» мактаблари ташкил этилади. Шу асосда касб-ҳунарга йўналтирилган малака ошириш курслари, маҳорат дарслари тизимли равишда йўлга қўйилади.

Тақдирлаш маросимида, шунингдек, ғолибликни қўлга киритган иштирокчиларнинг ишлари асосида тайёрланган видеороликлар ҳамда концерт дастури намойиш этилди.

Мамлакатимиз бўйича 100 та энг яхши инновацион лойиҳа эгалари бўлган хотин-қизлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Ўз мухбиримиз.**

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ

### энди ҳафтасига беш кун ўқийди

**Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2018 йил 9 февралда ўтказилган йиғилиш баёнига кўра, ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳамда бошланғич синф ўқувчиларига ўтиладиган дарслар юкламаси миқдоридан келиб чиқилган ҳолда умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синфлари жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб ҳафтада беш кунлик ўқиш жараёнига ўтказиладиган бўлди.**

► *Давоми 4-бетда.*

# Партия ташкилотлари ва депутатлар

## яхлит тизим сифатида ишлаши талаб этилади



**Боймурод ЮСУПОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи:**

— Сиёсий партиялар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ташаббускор бўлиши зарур. Бугунги замон шиддати биздан шуни қатъий талаб этмоқда.

Бунинг учун нима қилиш керак? Аввало, партиянинг марказий органи ишини тизимлилик асосида қайта кўриб чиқиш, қуйи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш керак бўлади.

Ўтган йили Ўзбекистон ХДП кенгашлари қошидаги 206 та Жамоатчилик қабулхонасига 10244 мурожаат тушган бўлиб, уларнинг 7490 таси, яъни 73 фоизига ечим топилган, қолганлари эса назоратга олинган. Мурожаатлар соҳа ва йўналишлар кесимида таҳлил қилинганида, уларнинг асосий қисми иш билан таъминлаш, коммунал хизматлар кўрсатиш, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий масалаларга доир экани маълум бўлди. Бу ҳудудий партия ташкилотларимиз, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳларимиз ишини тубдан кучайтириш зарурлигини кўрсатмоқда. Нимага десангиз, жойлардаги ижтимоий масалаларни ҳал қилиш бизнинг асосий вазифамиз ҳисобланади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятига қачон ва нимага асосан баҳо бериш мумкин?.. Ҳududдаги умумий вазият ижобий томонга ўзгарса, бюджет ижроси тўлиқ таъминланса, жиноятчилик камайса, янги иш ўринлари яратилса, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланса, шунда маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ижобий баҳо берса бўлади. Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифи чоғида, фаоллар билан йиғилишларда бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Демак, ҳали камчиликлар оз эмас.

**Мисол учун, кўплаб маҳаллий партия кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолияти тегишли низом талаблари асосида олиб борилмаяпти. Сайёр қабуллар кутилганидек ташкил этилмаётир. Аҳоли томонидан кўтарилган муаммоли масалалар ечимини топиш деганда, кўпчилик ташкилотларга хат орқали мурожаат этишни ёки маҳаллий Кенгашлар сессиясига номига масала киритишни тушунмоқда.**

Аччиқ бўлса-да, тан олишимиз керак, партия Марказий Кенгаши фаолияти ҳудудий кенгашларга, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ишлар туман, шаҳар кенгашларига етиб бормаяпти.

Ўз навбатида, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг таъсири сезилмаяпти, улар томонидан қилинаётган ишлар, ташаббуслар жуда кам. **Жойлардаги муаммоларни ҳал этишда партия гуруҳлари томонидан сессиялар кун тартибига имконият даражасидан кам миқдорда масала киритилмоқда. Бир сўз билан айтганда, марказ ва қуйи тизим бир-бирини етарлича тушунмаётганлиги натижасида қатор камчиликлар сақланиб қолмоқда.**

Масалан, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ташаббуси дастурий мақсадларни амалга оширишга эмас, кўпроқ депутатларнинг ўз сайловчилари билан учрашувлари давомида кўтариладиган алоҳида масалаларни ҳал этишга қаратилмоқда. Бу эса депутатлик назорати воситалари, жумладан, депутат сўровидан етарлича фойдаланилмаслигига олиб келяпти. Аксарият ҳолларда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари – депутатлар мазкур ҳуқуқдан қонунлар ва муҳим қарорларнинг ижро этилишини назорат қилиш эмас, балки шахсий масалалар юзасидан йўлланган мурожаатларни ҳал қилишга кўмаклашиш илинжида фойдаланмоқда.

Сиёсий партиялар ташкилотлари ва депутатларнинг иш услубини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида жойларда «марказ-вилоят-туман» тартибида ишлайдиган тизим йўлга қўйилди. Юқоридан пастга тушиб, ҳам депутатларни, ҳам турли аҳоли қатламларини Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар фаолияти, қонун ижодкорлиги, қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатлари ҳақида хабардор қилиб боришни йўлга қўйиш муҳим вазифа.

> Ҳаётга, одамлар ичига кирмасдан, улар билан мулоқот қилмасдан, фақат юқоридан туриб топшириқ беришдек номақбул амалиёт энди иш бермаслигини, бу иллатдан бутунлай воз кечиш вақти келганини ҳаммамиз тушунишимиз керак.

Яна бир аҳамиятли томони, шу орқали Олий Мажлис иш услубини вилоят кенгашларига, вилоят кенгашлари иш услубини эса туман ва шаҳар кенгашларига ўргатиш имконияти пайдо бўлади. Ҳаётга, одамлар ичига кирмасдан, улар билан мулоқот қилмасдан, фақат юқоридан туриб топшириқ беришдек номақбул амалиёт энди иш бермаслигини, ундан бутунлай воз кечиш вақти келганини ҳаммамиз тушунишимиз керак.

Бунинг учун, биринчи навбатда, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида электорат манфаатлари амалда ҳимоя қилинишига эришиш зарур. Жумладан, маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда партия электоратини ўйлантираётган муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда умумий ечим йўлларини топишга эътибор қаратиш талаб этилади. 2017 йилнинг декабрь ойида «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга киритилган ўзгартиришлар бунга имкон беради.

Маълумки, мазкур қонун билан белгиланган янги меъёрлар сиёсий партиялар депутатлик бирлашмаларининг сессияларда давлат ҳокимияти ижро этувчи органлари мутасадди шахслари ҳисоботларини эшитиш ташаббусини илгари суриш билан боғлиқ масалалардаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтирди. Шунингдек, партия гуруҳларининг Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари Кенгашларига киритиладиган масалаларга доир таклифлари кўриб чиқилиши шартлиги белгиланди.

Лекин битта савол очиқ қолмаслиги керак. **Яъни, маҳаллий Кенгашлар депутатлари кимдан ва қаердан тажриба ўрганади? Янгича ҳуқуқий шароитда ишлаш учун уларга яқиндан кўмаклашиш лозим бўлади.** Ўйлашимизча, бу ўринда айрим масалаларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

**Биринчидан,** қонун лойиҳалари устида ишлаш бўйича Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоларининг 2018-2019 йилларга мўлжалланган иш режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш керак.

Яъни, Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастури асосида қонун лойиҳаларини тайёрлаш мақсадида ЎзХДП фракцияси аъзолари, тегишли мутахассислардан иборат ишчи гуруҳларини шакллантириш ҳамда белгиланган муддатларда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокамага киритиш амалиётини жорий этиш.

**Иккинчидан,** ижтимоий йўналишда қабул қилинган қонунларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, бир-бирини такрорловчи, бир-бирига зид меъёрларни аниқлаш, қонуности ҳужжатларини ажратиш ва яхлит тизимга келтириш, қонун ва қонуности ҳужжатларининг бир-бирига мос келишини таҳлил қилиш, шуларнинг натижаларидан келиб чиқиб, қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ташаббуси билан чиқиш лозим.

**Учинчидан,** Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган қонун ҳужжатлари бўйича Ўзбекистон ХДП позициясининг бошқа сиёсий партиялар позициясидан фарқ қилишини таъминлаш. Партиялараро баҳсларни олиб бориш учун тегишли ва аниқ таклифларни ишлаб чиқиш.

**Тўртинчидан,** Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган қонун лойиҳалари юзасидан тайёрланган фракция таклифларини кенг жамоатчилик билан муҳокама қилиш.

**Бешинчидан,** ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларни қуйидан, яъни фуқаролардан, жойлардаги халқ депутатлари Кенгашларидан олиш тартибини кенг жорий этиш, аҳоли ўртасида очиқ муҳокамалар ташкил қилиш. Шу мақсадда қонун лойиҳалари бўйича давра суҳбатлари, жамоатчилик баҳслари, жумладан, партиялараро баҳсларни ташкил этиш.

**Олтинчидан,** фракция мажлисларида партия фаоллари ва маҳаллий Кенгашлар депутатларининг иштирокини таъминлаш, муҳокама этилаётган қонун лойиҳаси юзасидан уларнинг ҳам фикрларини инобатга олишни амалиётга жорий қилиш.

**Еттинчидан, Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилиш тўғрисидаги қарорига мазкур лойиҳани жамоатчилик муҳокамасига чиқариш ҳақидаги меъёр киритилишини кўзда тутиш муҳим, деб ўйлайман.**

Шулар орқали қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш, бу жараёнда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш масалаларини босқичма-босқич ҳал этиб бориш мумкин бўлади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ва Сергели туман кенгашлари бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда касб-ҳунарга ўқитиш марказида семинар-тренинг ўтказди.

# «Кўнгилли ёшлар» гуруҳига марҳамат!




Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

— Уюшмаган ёшлар жамиятнинг фаол аъзосига айланиши — долзарб масала, — дейди **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши бўлим бошлиғи Азима Раҳмонова.** — «Жиноятсиз — келажак сари» лойиҳасини шу мақсадда ишлаб чиқдик. Лойиҳани «Ёшлар иттифоқи» шаҳар ташкилоти, имом-хатиблар, психологлар билан ҳамкорликда амалга ошириш режалаштирилган.

— Анча вақтдан буён туман партия кенгаши қошида «Кўнгилли ёшлар» гуруҳи ташкил этишни ният қилган эдик, — дейди **ЎзХДП Сергели туман кенгаши раиси, туман Кенгаши депутати Мирзоҳид Хидиров.** — Бу масалани ёшлар иштирокида муҳокама қилдик. Депутатлар ва партия ходимлари билан биргаликда ижтимоий кўмакка муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, жамоатчилик ишларида фаол иштирок этиш гуруҳнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида устоз-олимлар ҳамда ёшлар ўртасида суҳбат бўлиб ўтди.

— Семинар фикр-мулоҳазаларга бой бўлди, — дейди **халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши депутати Абдужамил Содиқов.** — Айниқса, Дилафрўз Исомиддинованинг «Кўнгилли ёшлар» гуруҳи фаолияти юзасидан билдирган таклифи барчага маъқул келди. У ногиронлиги бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш кераклигини алоҳида таъкидлади. Дилафрўз маҳалласидаги икки нафар ногиронлиги бор болага инглиз тилидан бошланғич сабоқларни беришни бошлаганини айтди. Тенгдошлари ҳам унга эргашиш истагини билдиришди. Партиямиз сафида шундай ёшлар сони ортаётганидан жуда мамнун бўлдим.

Шунингдек, Ҳусан Нурмаматов эҳтиёжманд оила вакилларига моддий ёрдам кўрсатиш, ушбу гуруҳ иштирокида ҳомийлар топиш мумкинлиги ҳақида тўхталди. Фахриёр Абдусаломов уюшмаган ёшлар билан учрашувлар ташкил қилишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди.

— Ғамхўрлик қилишни истовчи ёшлар кўпаяётганидан жуда хурсандман, — дейди **Тошкент шаҳар имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган республика касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Рома Китаев.** — Тадбир давомида тенгдошларим билан мақсадларимиз ҳақида суҳбатлашдик. «Кўнгилли ёшлар» гуруҳига аъзо бўлдик. Бир-биримизга, атрофдаги инсонларга яқиндан кўмаклашишга доимо тайёрмиз.

— Очиғи, семинарда эксперт сифатида қатнашишни таклиф этишганида одатий тадбирлардан бири бўлса керак, деб ўйлагандим, — дейди **Республика Маънавият ва маърифат маркази етакчилар кенгаши раиси Шерзод Юсупов**. — Аммо иштироким давомида фикрим ўзгарди. Ўзбекистон психологлар уюшмаси бўлим бошлиғи, психолог-акмиолог Миршароф Содиқов билан бўлган суҳбатдан сўнг йигит-қизларнинг ўзига бўлган ишончи янада ортганини кўрдим.

Семинар якунида қисқа метражли «Тинчлик соҳили» видеофильми намойиш этилди.

Таклиф ва мулоҳазалари билан фаол қатнашган ёшларга театрга бепул чипта ва китоблар тақдим этилди.

**Сирожиддин ШОНАЗАРОВ,**
**ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши бўлим бошлиғи.**

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: «НАМУНАЛИ ДЕПУТАТ»

# МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Парламент аъзолари ҳамда сиёсий партия вакиллари билан 2017 йил июль ойида ўтказилган видеоселектор йиғилишида халқ депутатлари намунали Кенгашлар, хусусан, фаол депутатлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш лозимлиги таъкидланган эди.

Масаланинг долзарблигини ҳисобга олиб, газетамизда «Намунали депутат» рукнини ташкил этдик. Ушбу рукн остида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган ташаббускор депутатлар фаолияти, амалга ошираётган ишларини атрофлича ёритишни ният қилдик.

**Халқ депутатлари Боёвут туман Кенгаши депутати Маматқул Турдимуродов**ни ҳудудда кўпчилик яхши танийди, унга ишонади. Чунки депутат қатор муаммоларни ҳал этишда ташаббус кўрсатиб келмоқда.

«Соҳил» маҳалласида умргузаронлик қилаётган 80 ёшни қаршилаган Пиримқул Шеров депутатга маҳалладошларини ўйлантираётган бир муаммо юзасидан маслаҳатлашмоқчи эканини айтди.

Боёвут шаҳарчасининг ўртасидан оқиб ўтган Жанубий Мирзачўл канали Сирдарё ва Жиззах вилоятлари сув таъминотида муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалигининг қон томирига айланган канал «Соҳил» маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтади. Ундан чиқаётган сизот сувлари маҳалла аҳлининг ер-мулкига зиён етказаётганди. 60 йил илгари сизот сувларни қочириш мақсадида қазилган зовур айрим тажрибасиз раҳбарлар кўрсатмасига асосан ёпиқ дренажга айлантирилганди. Вақт ўтиши билан улар тўлиб қолди. Ҳовлиларга экилган мевали дарахтлар, токзорлар қурий бошлади. Уйларнинг поли тагидан сизот сув кўтарилиб, қорли-қировли кунларда хонадон деворлари захлади, қулаб тушган ҳолатлар ҳам бўлди...

Пиримқул Шеровнинг маҳалла оқсоқоллари билан бирга кўплаб ташкилот раҳбарларига қилган мурожаати зое кетаверди. Кўп йиллар давомида бу муаммо бартараф этилмади...

Муаммонинг ечимини топиш учун Пиримқул ота ва депутат узоқ маслаҳат қилди. Икковлон бирлашиб, маҳалла аҳлининг фикр-мулоҳазаларини ўрганди. Туман, вилоят ҳокимлигига таклифларини берди.

Тез орада таклиф қўллаб-қувватланди. Мутахассислар жалб қилинди.

Ёпиқ дренажнинг маълум қисми очилиб, техника ёрдамида тозаланди. Сизот сув жиловланди...

Маҳалла аҳли ўзлари сайлаган депутат ва партиямиз фахрийси — нуроний отахондан хурсанд. Одамлар энди ер ости суви кўтарилишидан, уй-деворлар захлаши, мевали дарахтлар қуриб қолишидан азият чекмайдиган бўлди...

«Депутат бўлиш, кўпнинг ишончини оқлаш мушкул вазифа экан. Маҳалладошларим турли масалалар бўйича доимо менга мурожаат этишади. Ўтган йили 10 дан ортиқ масала юзасидан туман ва вилоятдаги турли идораларнинг эшигини қоқдик. Мутасадди ташкилот раҳбарлари билан суҳбатлашдик. Улар имкон қадар кўмак беришди. Қатор муаммолар ҳал этилишига эришганимиздан мамнунман...»

> Депутат халқнинг энг яқин одами ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ундан катта билим ва тажриба, фидокорлик талаб этилади.

**Бу халқ депутатлари Сардоба тумани Кенгаши депутати Хайрулла Шайзоқов**нинг дил сўзлари эди.

Ҳар бир депутат, хоҳ у Қонунчилик палатаси, хоҳ маҳаллий Кенгаш депутати бўлсин, ўз сайловчилари билан доимий мулоқот қилиб туриши, уларнинг ўй-ташвишлари билан қизиқиши, кўпга хизмат қилиши керак. Зеро, депутат халқнинг энг яқин одами ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ундан катта билим ва тажриба, фидокорлик талаб этилади.

**Сардоба туманидаги «Бўстон» маҳалла фуқаролар йиғини фаолларидан бири Сайдулла Ғофуров депутат Хайрулла Шайзоқовнинг ташаббуслари ҳақида шундай дейди:**

— Маҳалланинг ички йўллари анча йиллардан буён таъмирталаб эди. Кўп ташкилотларга мурожаат қилдик. Улардан бу йўлларни таъмирлаш ишлари икки йилдан сўнг туман йиллик дастурига киритилишини билдик. Хайрулла Шайзоқов ташаббуси ва иштироки билан маҳаллада катта ҳашар уюштирилди. Ҳомийлар жалб этилди. Натижада кўчалар созланди. Болаларимизнинг мактабга лой кечиб боришларига чек қўйилди. Маҳалладаги қабристонни ободонлаштиришда ҳам депутатимиз бош-қош бўляпти. Барака топсин.

Ана шундай фидойилик, фаоллик ва масъулият билан ишлаган депутат эл-юрт ҳурматига сазовор бўлади.







**Маҳлиё АЛИҚУЛОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Санжар НАМОЗОВ,**
**ЎзХДП Сардоба туман кенгаши ижрочи котиби.**

O`ZBEKISTON OVOZI
• 2018-yil, 22-fevral. Payshanba
• 16 (32.384)-son



# БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН БЕРЛИН

**Дунёнинг ривожланган мамлакатларида турли соҳаларда эришилаётган ютуқ ва тажрибаларни ўрганиш, уларнинг турмуш тарзи, саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш йўналишларида қандай янгиликларга эришилаётганидан хабардор бўлиш, бир сўз билан айтганда, жаҳон аҳли билан бўйлашиб яшаш бугунги кунда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.**

Юртимиз фермер ва тадбиркорлари ҳам ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда турли давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиб, уларни ўз фаолиятида изчил жорий этмоқдалар. Ўтган йили бир гуруҳ фермер ва тадбиркорлар Европанинг Италия, Швейцария, Бельгия, Голландия, Франция, Германия, Польша каби давлатларида бўлиб, тажриба ўрганиб қайтишди.

Шукурки, бир ижодкор сифатида улар сафида бўлиш менга ҳам насиб этди. Сафар таассуротлари асосида ёзган публицистик рисоламда инсоният эришган бугунги тараққиёт манзаралари, кўҳна қитъага хос қадриятлар, боқий анъаналар, ишбилармонлик тажрибаси, айни пайтда, Ватан соғинчи, юрт қадри, миллат ғурури, маънавий поклик борасида баҳоли қудрат фикр билдирдим. Қуйида севимли газетамиз ўқувчиларига ушбу рисоламдан айрим қисмларини ҳавола қиляпмиз.

Бир қарашда биз Берлинни яхши биламиз. Бу шаҳар ҳақида ўрта мактаблар партасидаёқ ўқиганмиз. География дарсида шаҳар табиати ҳақида маълумотлар олиб, тасаввурлар ҳосил қилганмиз. Аммо дангали гапни айтадиган бўлсак, бу шаҳар ҳақидаги қарашларимиз саёз эди. Сабаби — ҳукмрон мафкура туфайли юзаки ва бирёқлама тушунчага эга эдик.

Хуллас, биз Германияга, Берлин шаҳрига етиб келдик. Йўллар тирбандлиги боис тўхтаб-тўхтаб юриб, ҳатто ўн икки соатдан ҳам зиёдроқ йўл босишимизга тўғри келди. Бизни жиззахлик ҳамроҳимиз Очил Саидовнинг 15 йилдан бери Берлинда яшаб, ишлаётган ўғли Фахриддин кутиб олди ва Берлин бўйлаб уюштирган сафаримизга бош бўлди. «Европа CITY» меҳмонхонасига жойлашдик. Меҳмонхона жуда эски, хонадаги иситиш ускуналари, худди биздагидек, чўяндан. У урушдан кейин қурилган бўлса керак, деган хаёлга бордик. Бу ердаги лифтларга икки киши аранг сиғади. Аммо ётоқхоналарда немис халқига хос саранжом-саришталик, файзу тароват, тозалик уфуриб турибди. Хонада барча имкониятлар бор.

Узоқ йўл юриб келганимиз боис оқшомда ётиб дам олдик. Тонгда, нонуштадан кейин, Берлин чеккасидаги, шаҳардан 20-25 километр наридаги савдо марказига бордик. Оила аъзоларимизга совға-салом, қолаверса, ўзимиз учун ҳам ул-бул харид қилишни мўлжаллаб қўйган эдик.

Савдо маркази асосан Берлин шаҳри аҳолиси учун хизмат кўрсатар экан. Шаҳар марказида сайёҳлар кўп бўлгани боис, озиқ-овқат дўконларидаги кундалик зарур маҳсулотлар ҳам нисбатан қиммат, шунинг учун берлинликлар шу савдо марказига бориб харид қилишаркан. Ҳатто, қўшни Голландия давлати фуқаролари, айниқса, чегарага яқин турадиганлари овқатланиш учун ҳам Берлин ҳудудига ўтишар экан.

Тўғрисини айтганда, нарх-наво шунга арзигулик. Бир жиҳатни алоҳида қайд этмоқчиманки, биз Рим, Турин, Женева, Париж, Брюссель, Амстердам шаҳарларида бўлдик, лекин бирон жойда арзон маҳсулот кўрганимиз йўқ. Берлин меҳмонхонасига келиб тушганимиздан кейин Асқар билан 100-150 метр чамаси наридаги озиқ-овқат дўконига бордик. Бир литрлик иккита минерал сув, 1,5 литр сут, уч хил колбаса олдик, тасаввур қилинг, 6,5 евро бўлди. Юқорида номлари тилга олинган шаҳарларда бу камида 30 еврога бориши аниқ эди.

Биз шаҳар четидаги савдо марказида қарийб 4 соат савдо қилдик. Мен ўзим ва ўғлимга мобиль телефон аппарати, яна оила аъзоларим учун зарур нарсалар, қизлар, набиралар учун совғалар, Париждан ололмаган атирларни шу ердан олдим. Фахриддинга ҳамроҳларимиз, имкон бўлса, Берлинда бир ош есак, деган фикрни билдиришди. У Берлинда бир турк одам раҳбарлик қиладиган ошхона борлиги, бу жойда паловни жуда дўндириб тайёрлашларини айтганида кўпчилик, олдиндан буюртма бериб, кечга томон ўша ерга боришга ваъдалашди.

Биз савдо марказидан келгандан кейин метрога тушиб, уч бора йўлдан йўлга ўтиб, ошхонага етиб бордик. Бизга чойхонага ўхшаш жой дейилганди, йўқ, росмана бир бар, чоғроққина жой экан. Бўш ўрин топиб ўтирдик. Шўрванинг ўрнига ярим косадан қизил карам шўрва ичдик, кейин бир тақсимчадан ош едик. Айтиш керак, ошни ниҳоятда ўрнига қўйган, чиройли дамлаган экан. Карам шўрва 2,5 евро, ош ҳар бир кишига 10 евродан тушди. Хуллас, киши бошига чой, нон 15 евродан тўлаб, таом едик, мамнун бўлдик.

Берлиндаги биринчи кунимиз шундай ўтди. Таксида меҳмонхонага келдик.

22 ноябрь якшанба бўлгани боис биронта дўкон ишламас экан. Биз билан келганлардан 11 киши Польша давлатига ўтмасдан, Франкфурт шаҳри орқали Ўзбекистонга учиб кетишлари керак эди. Эрта билан уларни йўлга кузатиб, ўзимиз етти киши-етти кишидан бўлиб 3 та такси чақириб, Берлин шаҳрини айлангани кетдик.

Рости, дастлаб келганимизда шаҳар унчалик улуғвор, кўркам кўринмаган эди. Аммо кейинги пайтда қурилган замонавий бинолар, биз кўриб улгурмаган тарихий музейлар, руслар черкови, бир қанча муаззам бинолар — Рейхстаг, парламент биноси, Бош канцлер қароргоҳи, ҳукуматга тегишли бир қанча салобатли иншоотларни четдан кузатдик, томоша қилдик.

Мана, Рейхстаг биноси ёнидамиз. Бу бино ўрта асрлардаги олмон миллатининг муқаддас Рим империясидаги марказий ҳокимият органлари жойлашган бинодан бири, тарихий обида сифатида немислар учун ниҳоятда қадрли.

Айнан шу бинога 1945 йилда маршал Г.Жуков қўмондонлигидаги Биринчи Белоруссия фронти жангчилари томонидан ғалаба байроғи қадалган. Айтиш керакки, бу воқеа фашизм балосидан башарият халос бўлганининг рамзи сифатида тарихга кирди.

Бино қаршисида туриб тўрт-беш йил қон кечиб, Ўзбекистондан йўлга чиқиб, Германия тупроғигача бўлган масофани жанги жадаллар билан пойи пиёда босиб ўтган, нене кўргуликларни бошидан кечирган, шу манзил маконгача омон етиб келиб, ғалабага саноқли кунлар қолганда шу ерларда шаҳид бўлган қаҳрамон ҳамюртларим, жасоратли ўзбек ўғлонлари хаёлимдан ўтади. Гўё уларнинг маъюс нигоҳлари менга боқиб тургандек туюлади. Чин дилдан тиловат қиламан. Яратгандан руҳи поклари шод бўлишини тилайман. Айнан шу ғалаба боис ер юзи аҳолиси эркин нафас олди. Шу ғалаба боис дунёда тинчлик яна барқарор бўлди, давлатлар ўртасида дўстона ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.



Буларнинг барчаси ана шу фидойи аждодларимиз жасорати туфайли бўлиб, буни унутиш асло мумкин эмас.

Табиийки, энди Германия каби машҳур давлат ва унинг пойтахти Берлин ҳақида ўқувчиларимизга бироз маълумот берамиз.

Берлинда машиналар тез юрадиган махсус «Автопан», деб номланган йўл бор экан. Ҳайдовчилар тезликни соатига 300 километрга етказиши мумкин. Аслида бу йўл уруш пайтида қурол-яроғни манзилга тез етказишни ўйлаб қурилган. Қолаверса, ҳарбий техниканинг тез юриши учун ҳам шундай йўл керак бўлган.

Фахриддиннинг фикрича, немисларда: «Биз дунёдаги энг зўр машиналарни чиқарамиз. Йўлимиз ҳам шунга яраша бўлиши керак. Тезликни чегаралашга ҳаққимиз йўқ», деган фикр бор экан.

Менга маъқул бўлгани бошқа шаҳарларга нисбатан Берлинда 40-50-60 қаватли чиройли, кўркам бинолар кўп экан. Хуллас, кўрса, завқ олса бўлади. Ҳозирги вақтда тарихга айланган Берлин деворини бориб кўрдик. Кўплаб бинолар олдида суратга тушдик. Такси ҳайдовчи Аюб исмли 55 ёшли турк экан. Тўрт қизи, бир ўғли бор экан. Ниҳоятда ҳушчақчақ. Аранг бир-биримизни таржимонсиз тушуниб, суҳбат қурган бўлдик. Чунки Фахриддин Мирзоҳид билан Ўзбекистонга қайтиши керак бўлган ҳамроҳларимизни Франкфуртга кузатгани кетишган эди. Демоқчиманки, барибир таржимонсиз қийналдик. Чет элга сафаримиздаги бироз йўл азоби, бирмунча қимматчиликка ҳам чидаса бўлар экан. Аммо тил билмаслик азоби, мушкулоти барчасидан ўтиб тушди. Рости, ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Қанча-қанча олтиндан қиммат вақтимизни елга совурганмиз, иккинчи, учинчи даражали ишлар учун вақт топганмиз, аммо тил ўрганишни хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз. Эндиги афсус ва надоматдан фойда йўқ эди.

Мен Фахриддиндан: «Немислардан нимани ўргансак бўлади?» деб сўрадим. Унинг жавоби бундай бўлди: «Жамоатчилик одобига қатъий риоя қилишади. Битта одам кўпчилик ичида бирон саволга нотўғри жавоб берса, биздаги каби кулиб юборишмайди. Бу ҳолни сезмагандек тутишади ўзларини. Немислар кўпчилик ичида бир кишини ҳеч қачон изза қилишмайди. Умуман, улар бировнинг устидан кулишни хуш кўришмайди.

Биз — ўзбеклар ўзимизни гоҳида ҳаддан ташқари меҳнаткаш, деб ўйлаймиз. Немислар бизга нисбатан кўпроқ меҳнат қилишади назаримда. Немислар вақт билан қатъий ҳисоблашишади. Бизга ўхшаб «Ҳормангга келдик», деб бир-бирига халақит бермайди. Биз иш жараёнида истаган пайтда танаффус қилишимиз мумкин. Уларда бундай эмас.

Немислар жуда-жуда тежамкор, дунё халқлари ичида бежизга «немисча ҳисоб-китоб», деган ибора қўлланмайди. Озиқ-овқатга ҳам ўта тежаб-тергаб пул сарфлашади. Немисларда «эллик ёшдан кейин ўзим учун яшашим керак», деган кайфият ҳукмрон бўлади ва улар бунинг уддасидан чиқишади.

Ёш болаларда ҳам жамоатчилик маданияти яхши ривожланган. Хато бўлса ҳам болаларига ўз фикрларини очиқ айтишга, мустақил фикрлашга имконият яратишади. Китобга, кутубхонага муносабат немис жамиятида аъло даражада юксак. Уларда китобхонлик маданияти яхши шаклланган. Кутубхоналарга пенсияга чиққан аёллар боғча ёшидаги болаларга китоб ўқиб бериш учун ўз эълонларини осиб қўйишади. Саводхонлик ҳам юқори даражада. Мактабга ёш болаларни фақат ота-онаси ёки тайинланган одам олиб боради. Болани ёлғиз қолдиришмайди.

Такрор айтаман, немислар вақтдан унумли фойдаланишади. Вақтга худди пулдек муомала қилишади. Борадиган жойини бир кун олдин белгилашади. Белгиланган вақтдан бир-икки дақиқа олдин сизни кутиб олишади. Кечикиш, сабабсиз келмай қолиш уларда жуда қораланади. Бирон тадбирга кечиксангиз, ўзингиз ноқулай аҳволга тушиб қоласиз...

Энди олис сафардаги ҳамроҳимиз Очил Саидов ҳақида икки оғиз сўз айтмасак, албатта адолатдан бўлмайди. Бу инсон Жиззах вилоятининг Фориш туманида туғилиб, камолга етган. Саккиз фарзанднинг — икки қиз, олти ўғилнинг падари бузруквори. Умрини маърифатга бағишлаган. Кўп йиллар ўрта мактабда кимё-биология фанидан ўқувчиларга сабоқ берди. Айни пайтда Жиззах шаҳрида яшаб, истиқомат қилади. Вилоят халқ таълими бўлимида услубчи бўлиб ишлайди. 58 ёшда. Фарзандларининг 6 нафари олий маълумотли.

Ҳамроҳимиз том маънода маърифатли инсон экани, умрини, ҳаётини фарзандлари камоли, илму одоби учун бахшида этгани ва бундан ўзи мамнун экани чеҳрасидаги нурдан, сўзидаги шукронадан кўриниб турарди.

— Яқинда бир китобда ўқиб қолдим, — дейди у. — Умрни узайтиришнинг бир шарти сафар экан. Рости ўн бир кундан бери Европа мамлакатларини айланиб, бу фикрнинг тўғри эканини қалбим билан сезиб, англаб турибман. Шунча кун автобусда юришнинг ўзи бўлмайди. Аммо бизнинг чарчоғимизни шу яшиллик, шу ўрмонлар оляпти, дея ўйлаб қоламан. Инсон ҳаётдан аввал эзгулик излаши керак. Мени Европанинг табиати ва халқининг маданияти лол қолдирди. Ҳар бир халқда ибрат олса арзийдиган жиҳатлар бор. Муомала ва хизмат кўрсатиш маданияти, меъморлик маданияти, хуллас, яхши назар билан боққан одам яхшиликни кўради.

Яна биз кўрган юртлар фуқароларида меросга ҳурмат кучли экан. Сафаримиз менга маъқул, мазмунли ўтяпти. Тил ўрганиш албатта зарурлигини ҳис қилдим. Инсон, имкон топса, яхшиликка, эзгуликка хизмат қилавериши керак экан. Агар хизматни уддасидан чиқолмаса, яхши ният қилиши зарур. Чунки халқимиз эзгуликнинг эрта-кечи йўқ, деб бежиз лутф қилмаган.

Мен Европада юриб, ўзим эришолмаган ниятга фарзандларим эришаётганидан мамнун бўлдим. Нафақат Фахриддин, балки қизим Лола ҳам Германиянинг Нюрнберг шаҳрида олий ўқув юртининг иқтисодиёт факультетида таҳсил олади. Немис тилини яхши билгани учун ўзи интернет орқали грант ютиб олган. Бу йил февралда ўқишни битиради. Бир ўзи эмас, Ўзбекистондан 9 нафар ўғил-қиз келишган.

Энди аллақачон бизнинг қаҳрамонимизга айланиб улгурган Фахриддин Саидов ҳақида гапирсак. У 1979 йили таваллуд топган. Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиги институтида таҳсил олган. Тил ўрганган. Институтга ташриф буюрган юртимиздаги Германия элчихонаси вакиллари «Сен немис тилини яхши билар экансан», деб Падерборн шаҳрига 6 ойга ўқишга таклиф қилишган. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларида заҳарли моддаларни бартараф этиш юзасидан илмий иш олиб борган.

Кейинги йилларда элчихона ходимларига ёрдам тариқасида Самарқанддаги ва юртимиздаги бошқа университетлардан Германияга келиб ўқиш истагида бўлган талабаларни имтиҳондан ўтказиб юрган. Хуллас, элчихона билан мустаҳкам алоқада фаолият юритган.

2012 йил Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасига ишга таклиф қилишади. 2014 йилдан бошлаб эса Берлинда ўзининг қонуний ташкилотини очади. Ҳозирги кунда бизнесменларни самолётга билет билан таъминлайди, почта хизмати кўрсатади. Аёли немис тилидан бошланғич синфларга дарс беради.

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

ҚУРЪОН МУСОБАҚАСИ



## «ЭЛИМИЗГА НУР КЕЛАДИ»

**Давлатимиз раҳбари ўтган йили Ҳазрати имом мажмуасида диний уламолар, жамоат бирлашмалари вакиллари билан учрашуви чоғида Қуръони каримни тўғри ва гўзал ўқиш бўйича кўп босқичли мусобақа ўтказиш фикрини илгари сурган эди.**

Айни пайтда мамлакатимизнинг барча туман, шаҳар ва вилоятларида уч босқичли Қуръон мусобақасининг ҳудудий босқичлари ўтказилмоқда. Бунинг учун қироат билимдонларига марказий масжидлар ҳамда муҳташам кошоналар ажратилди.

Тошкент шаҳридаги «Мумтоз» кошонасида ўтказилган Қуръон мусобақасининг Шайхонтоҳур туман босқичига йиғилганлар, қироатлардан баҳраманд бўлишни истаган томошабинлар билан гавжум бўлди. Кошона ичида ва ташқарисидаги улкан саҳналарга мониторлар ўрнатилиб, ҳар бир қори ва қорияларнинг мусобақада иштироки намойиш этиб турилди.

— Қуръонни эшитиш, эшита олиш юксак маънавият, маърифат. Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмайди. Агар Қуръони каримни эшита олсак, эшиттира олсак, бу муваффақият бўлади. Элимизга нур келади, — деган эди Президентимиз, — дейди **Ўзбекистон мусулмонлари идораси Қуръон мусобақаси ҳайъати раиси Абдулҳаким Матқулов.** — Чиндан ҳам бу файзли даврлар Қуръон каломларидан ёришаяпти, кўнгилларга нур ёғилаяпти. Муқаддас оятларга ташна халқимиз мусобақа ўтаётган жойларга оқиб келяпти. Мўъжизавий каломга қулоқ тутиш истагида узоқ-яқиндан келган одамларнинг охири кўринмайди.

Қуръони карим қироати бўйича иқтидори бўлган 18-40 ёшдаги эркак ва аёллар ҳифз ва тиловат йўналишларида иштирок этишди. Ҳифз йўналишида Қуръони каримни тўла ёд олган қори ва қориялар, тиловат йўналишида эса Қуръонни гўзал тарзда тиловат қила оладиган фуқаролар қатнашишди.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг қобилияти ва ҳифз — Қуръонни пухта ва хатосиз ёд олганлиги, тажвид қоидаларига тўла амал қилган ҳолда ўқиши, овоз имкониятлари ва тараннум-оҳангдорлик маҳорати билан ўқишига кўра баҳо бериб бордилар.

«Кўкча» жомеъ масжидида ўтказилган мусобақада ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, 18-25 ёшли қорилар ўртасида тиловат йўналиши бўйича Баҳромов Баҳром Бахтиёр ўғли, ҳифз йўналиши бўйича Абдуллаев Абдулбосит Акбаржон ўғли биринчи ўринни эгалладилар.

«Мумтоз» кошонасида тиловат йўналишида 18-40 ёшли аёллар ўртасида ўтказилган мусобақада биринчи ўрин Муслимахон Қудратова ҳамда Наргизахон Тешабоевага насиб этди.

— Қуръон Аллоҳнинг энг буюк мўъжизаси, уни суйган бандалар ҳамиша унинг ҳифзи-ҳимоясида бўлади, — дейди **Ўзбекистон мусулмонлари идораси масжид бўлими раҳбари Раҳимберди Раҳмонов.** — Юртимиз гўшаларида давом этаётган бундай тадбирлар инсоннинг Ватанига, эл-юртига ихлосини, меҳр-муҳаббатини оширади, Қуръон оятлари зикр этилган жойларда фаришталар дуога қўл очади, бандаларга раҳмат онлари насиб этади.

— Ҳозир Қуръон мусобақаларининг туман, шаҳар, вилоят босқичларида ғолиб чиққан қори ва қориялар апрель ойида Республика босқичида иштирок этадилар, — деди **Шайхонтоҳур тумани бош отинойиси Феруза Сулаймонова.** — Бу халқимиз учун ўзига хос Қуръон байрами бўлди. Буни қалбан ҳис қилиш керак. Илгари диний эътиқоди учун қанча-қанча уламоларимиз, оддий инсонлар қатағон қилинган эди. Худога минг қатла шукур, мана шундай дориломон кунларга етиб келдик. Бундай муборак ишлар бардавом бўлсин, ҳаммамизни Аллоҳ таоло доимо паноҳида асрасин!

Ҳа, дарвоқе, мазкур мусобақалар онлайн тарзда минглаб ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари эътиборига ҳавола этиб борилмоқда.

**Дилдор ИСОҚОВА**

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

## «Яшил йўлак»дан ўтолмаган тилла тақинчоқлар

**1 январдан бошлаб, республикамиздаги халқаро аэропортларда йўловчилар учун икки йўлакли тизим, яъни «яшил» ва «қизил» йўлаклар жорий этилди.**

Ушбу тизим юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш жараёнларини янада соддалаштириш ва тезлаштиришга хизмат қилмоқда.

Амалдаги тартибларга кўра, республикамизга кириб келаётган йўловчилар «яшил» йўлакдан фақат қиймати ва миқдори божсиз олиб кириш меъёрларидан ортиқча бўлмаган товарлар билан ўтишлари мумкин. Яъни бу йўлакдан ўтиш йўловчиларнинг ёнида ортиқча товар-моддий бойликлари йўқлигини божхона органларига оғзаки декларациялаганини англатади.

Давлат божхона қўмитаси ахборот хизматининг хабарига кўра, айрим фуқаролар амалдаги тартибларни яхши билишса-да, жорий қилинган бу қулайликни ноқонуний даромад орттириш илинжида суиистеъмол қилишга уринишмоқда. Яқинда Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида яшил йўлак орқали тилла ва заргарлик буюмларини олиб ўтишга уринган қоидабузарлар тўхтатиб қолинди.

Истамбулдан учиб келган мамлакатимиз фуқароси Ф.Юлдашева аёллар сумкасидаги пардоз упаси қутиларига ва эгнидаги кийими чўнтакларига 263 грамм оғирликдаги тилла ва заргарлик буюмларини жойлаб, яширин равишда олиб кираётганда қўлга олинди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур тилла ва заргарлик буюмларининг тахминий қиймати 67 миллион сўмдан ошади.

Айни шу рейс бўйича парвозини якунлаган Ўзбекистон фуқароси F.Толибов ҳам белгиланган меъёрлардан ортиқча бўлган 72 грамм оғирликдаги тилла ва заргарлик буюмларини «қизил» йўлак қолиб, «яшил» йўлакдан олиб ўтаётган пайтда тўхтатиб қолинган.

«Истамбул — Тошкент» рейсининг яна бир йўловчиси, Ўзбекистон фуқароси М.Мавлянова томонидан йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган, қиймати салкам 24,5 миллион сўмни ташкил қилувчи 119 грамм тилла тақинчоқлар яширинча олиб кирилаётгани аниқланди.

Эслатиб ўтамиз, республика ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни акциз солиғи солинмасдан олиб кириш меъёрларига мувофиқ умумий оғирлиги 30 граммдан ортиқ бўлмаган 5 донагача заргарлик буюмларини олиб киришга рухсат этилади.

Пойтахтимиз аэропорти орқали ҳар суткада дунёнинг турли шаҳарлари бўйлаб, ўртача 40 дан ортиқ рейслар амалга оширилади. Бу ерда бир кунда ўртача 6-7 минг нафар йўловчи ҳаракатланаётган бўлса, уларнинг тахминан 93 фоизи божхонадан «яшил» йўлак орқали ўтишмоқда.

Бундай вазиятда божхона ходимлари янада ҳушёр ва сезгир бўлиши, йўловчилар эса божхона қонунчилигига қатъий риоя қилиши керак бўлади.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ

### энди ҳафтасига беш кун ўқийди

**Мухбиримиз Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш Бош бошқармаси бош назоратчиси Ҳакимбой САМАНДАРОВ билан бу ҳақда суҳбатлашди.**

— Таълим тизимидаги бу ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида хориж тажрибаси ўрганилди, мутахассислар томонидан мониторинглар олиб борилди, маҳаллий менталитет, ота-оналар, экспертлар хулосаси инобатга олинди, — дейди у. — Тўғри, бошланғич синфларда таълим олаётган ўқувчиларимиз хориж мамлакатларидаги тенгдошларидан қайсидир даражада зийраклиги, ҳаракатчанлиги билан ажралиб туришади, ҳатто устунлик қилади, дейиш мумкин. Лекин барибир уларга қўйилган дарс юкламаси ҳафта охирига бориб, оғирлик қилиб қолаётгани тизимга янгича ёндашишни талаб қиларди.

**— Бу борада ривожланган мамлакатлар тажрибаси қандай натижалар берган?**

— Мана, масалан, Японияни олайлик. 1992 йилдан бошлаб ҳукумат қарори асосида бошланғич синф ўқувчиларининг дам олиш кунлари бир кундан икки кунга узайтирилди. У ерда бошланғич мактабларда ўқиш 6 йил, ўрта мактаблар 3 йил ҳамда юқори синфларда ўқиш 3 йил давом этади, сўнгра эса ўқувчиларнинг хоҳишларига биноан улар 4 йил мобайнида университетда ўқишлари мумкин бўлади. Жанубий Кореяда ҳам ана шу тизим жорий этилган. Уларнинг таълим тизими нафақат Тинч океани ҳудудида, балки бутун дунёда энг яхши тизимлар сирасига киради. Мазкур мамлакатда бошланғич синф ўқувчиларини беш кунлик таҳсилга ўтказилишининг асосий сабабларидан бири — боланинг жамиятга аралашувини таъминлаш.

Бу нима дегани? Бу дегани — ота-оналар ишдан бўш бўлган шанба-якшанба кунлари маданий ҳордиқ олишга чиқишади, қариндошлариникига меҳмонга боришади, ана шунда улар фарзандларини ҳам ўзлари билан олиб бориш имконига эга бўлишади. Бола у ерда кўп нарсаларни кўради, тушунмаганларини ота-онасидан сўраб олади, янги-янги кўникмалар ҳосил қилади, тасаввури кенгаяди. Ёки бўлмаса, Японияда спорт клублари ва маданий клублар фаолият кўрсатади. Бу икки клубда болалар шуғулланиши учун хилма-хил йўналишлар бор. Ота-она боласининг қизиқишига қараб, уни ўша жойга олиб боради, машғулотлар тугагунга қадар фарзандига далда бўлиб, қўллаб-қувватлаб туради.

**— Янги ўқув йилидан бошлаб барча умумтаълим мактабларининг 2-4-синф ўқувчилари ҳам ҳафтасига 5 кун ўқийдиган бўладими?**

— Шундай. Ҳафталик ўқув давомийлиги 5 кунлик ўқиш жараёнига ўтилиши муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан бошланғич синфларда халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда умумий ўрта таълимга қўйиладиган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

Бундан ташқари, ҳафталик ўқув режа ва дастурлари шунга қараб мослаштирилади. Бошланғич синфлар учун мўлжалланган амалдаги давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларининг тўлиқ бажарилиши назорат қилиб борилади.

**— Ихтисослашган мактабларда ҳам бу янгилик қўлланиладими?**

— Жорий ўқув йилининг IV чорагида бошланғич синфларда ҳафталик ўқув давомийлигининг 5 кунлик ўқиш жараёнини вазирлик тасарруфидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабларида, яъни чуқурлаштирилган табиий фанлар, мусиқа ва бошқа соҳаларга ихтисослашган мактабларда тажриба-синовдан ўтказилади ва аниқланган камчиликлар бартараф этилади.

Эндиликда ҳафтанинг шанба кунлари бошланғич синф ўқувчиларининг қизиқиши ва хоҳиш-истагига қараб, ота-оналар уларни турли фан тўгараклари, спорт секциялари ҳамда маънавий-маърифий тадбирларга бирга олиб бориши, дам олиш кунини бирга ўтказиши мумкин. Бу уларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишида жуда катта роль ўйнайди.

Маълумки, кўпгина оилаларда ота ёки она хизмат тақозоси билан тонг саҳарлаб ишга кетади, бу пайтда фарзанди ухлаб ётган бўлади, кечқурун кечроқ қайтгани учун яна у билан мулоқотда бўлолмайди.

Шу кунларда мамлакатимиздаги барча умумий ўрта таълим мактабларида ота-оналар мажлиси ўтказилиб, уларга таълим тизимидаги бу ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти бўйича атрофлича маълумот берилади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синфларида ҳафталик ўқув давомийлиги 5 кунлик ўқиш жараёнига ўтилишига ота-оналар ҳам ижобий муносабат билдиришмоқда.

**Нуруллоҳ ДОСТОН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

◄ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

## Бир шикоят изидан

# Тушумни ким назорат қилади?..

### Бозорларда текшириш ўтказилган кунларда тушум кескин ошади, бошқа кунлари кескин пасаяди. Нега?

**Тажрибада кўп кўрганмиз бозорларда текшириш ўтказилган кунларда тушум кескин ошади, бошқа кунлари эса кескин пасаяди. Нега?**

**Таҳририятимизга келаётган хатлар орасида таклиф ва эътирофлар, ариза ва шикоятлар ҳам, муаммолар юзасидан маслаҳат сўраганлари ҳам учрайди. Баъзан эса нимадандир норози бўлган фуқаролар тўғри таҳририятимизга ёрдам сўраб келишади.**

Самарқанд вилояти Нуробод тумани «Жом» қишлоғидан келган Ғулом Нишонов бир даста қоғозни стол устига қўйиб, шундай деди:

— Ҳақиқатни юзага чиқарсангизлар... Менга бошқа нарса керак эмас...

Ундан нима гаплигини сўрадик.

— Мен 2015 йил 2 декабрда «Нуробод деҳқон бозори» МЧЖнинг «Жом» мол бозори филиалига паттачи вазифасига ишга қабул қилиниб, беш ой ишладим. Иш давримда камчиликларга йўл қўймадим, имкон даражасида бозорда қулайлик яратишга ҳаракат қилдим. Ҳамма гап шундаки, бозорда мендан аввал паттачи бўлиб ишлаган Жамшид Ўсаров «Нуробод деҳқон бозори» МЧЖнинг собиқ директори томонидан ўз ишига совуққонлик билан қараганлиги, меҳнат интизомини бузганлиги ҳамда унинг айби билан давлат солиқ инспекцияси томонидан МЧЖга жарима қўлланилганлиги сабабли ишдан бўшатилган. Бундан норози бўлган Жамшид Ўсаров МЧЖнинг устидан фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом туман судига даъво аризаси билан мурожаат қилган. Суд 2016 йил 22 апрелда уни «Жом» мол бозори паттачиси вазифасига ишга тиклаш тўғрисида қарор чиқарган...

— Хўш, нимадан норозисиз, — савол бердик Ғулом Нишоновга.

— Жамшид Ўсаровнинг мол бозорида паттачи бўлиб ишлашга ҳаққи йўқ. Негаки, у патта пулини тўлиқ топширмасдан чўнтагига уради, — деди у. — Солиқчилар тушум бўйича мониторинг ўтказишганида, Жамшид Ўсаровнинг камчиликларини топишди, тақдимномалар киритилган. Натижаси эса йўқ. Тўғри, Самарқанд вилоят ҳокимига ўтган йил 5 апрелда ёзган аризамдан сўнг Жамшид Ўсаров яна вазифасидан озод қилинди. Аммо у «отдан тушган бўлса-да, эгардан тушмаган», шу кунларда ҳам мол бозорида патта пулларини йиғиб юрибди. Ишонмасангиз бориб кўринг...

Тўғриси, бозорлар тўғрисида ҳар хил гаплар қулоққа чалиниб туради, баъзан ишонарли, баъзан ишончсиз. Масалан, бозорларда, хусусан, мол бозорларида тушум пулларини тўлиқ топширмай, солиқ тўлашдан қочиш ҳоллари борлигини кўп эшитганмиз.

Шикоят хатида келтирилган важлар нечоғли асосли ёки асоссиз эканлигини ўрганишга қарор қилдик. Самарқанд шаҳридан 60 км. узоқликда жойлашган «Нуробод деҳқон бозори» МЧЖ «Жом» филиали мол бозорига эрта тонгда етиб келдик. Атрофга қараймиз. Мол бозори дарвозаси ёнида турган икки киши келувчилар билан ҳисоб-китоб қиляпти. Неча бош қўй-қўзи ёки қорамол киряпти, санаб пулини олишяпти. Ярим соатлик кузатишдан кейин мол бозори дарвозаси ёнида турган йигитлардан сўрадик.

— Жамшид керак эди.

— Нима эди?

— Мол олмоқчи эдик, бир танишим Жамшид деган йигит арзонроқ мол олишда ёрдам беради, деганди.

— Менман, — дея ўзини таништирди тўладан келган йигит. — Бўпти, акаларга айтамиз. Ўтинг.

У шундай дея қўли билан мол бозори ичкарисига ишора қилди.

Жамшид Ўсаров ишдан бўшатилган бўлса-да, ҳамон патта пули йиғиш билан шуғулланиб юрган экан-да?! Ким унга бундай ҳуқуқ берган?

Мол бозоридан бир ҳатлаб ёнидаги бозорга ўтдик. Бу ерда озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси учун деярли шароит йўқ. Ерда ўтириб савдо қилаётган сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам бу ҳолатга кўникканга ўхшайди. Бозордаги кўнгилни хира қиладиган манзарани томоша қилиб, одамлар билан танишамиз, суҳбатлашамиз.

— «Жом» қишлоғида яшайман, — ўзини таништирди Учқун Боратов. — Мол бозорга уч бош қўзи олиб келдим. Жамшид деган йигитга 38 минг сўм пул санаб бердим. Молимни сотганимдан кейин билдимки, чекда 25 минг сўм ёзилган экан. У битта мендан эмас, бошқалардан ҳам 10 минг сўмдан 15 минг сўмгача қўшимча ҳақ олади. Аслида бу маблағлар давлат ғазнасига кирим қилиниши керак. Жамшиднинг ноқонуний ишига чек қўядиган одам топилмаяпти. Мол бозори паттачиси вазифасига ҳалол, халққа қайишадиган одамни қўйиш керак...

«Жом»дан шундай таассуротлар билан Самарқандга қайтдик.

Самарқанд вилоят Бозорлар ва савдо комплекслари уюшмаси раиси Тоҳир Мамадалиев билан учрашиб, шикоятдаги важларга муносабатини билмоқчи бўлдик.

— Ғулом Нишонов фақат ўзининг «интересини» ўйлайди. Ундайларни жавобгарликка тортиш керак. Ёзганларига умуман қўшилмайман, — деди раис.

— Жамшид Ўсаров ҳақидаги гапларга нима дейсиз?

— У аллақачон бўшатилган. Ёзаверади-да. Мана, яқинда Тойлоқдан ҳам шунга ўхшаганлар ёзган экан. Тасдиқланмади. Кечирим сўрашди.

— Куни кеча Ғулом Нишоновнинг шикоятини ўрганиш мақсадида «Жом» мол бозорида бўлдик. Сиз бўшатилган деган Жамшид Ўсаров патта пулини йиғаётганлигини кўрдим. У билан суҳбатлашдим, — дея уюшма раиси ва ўринбосари олдига суратларни қўйдим.

— Бўлса бордир, — деди Тоҳир Мамадалиев. — Сизга айтсам, шу шикоятчи ўзининг иши билан шуғуллансин. Фермер хўжалиги бор, лицензиясиз таксислик қилади...

Ажабо...

> “Жом» мол бозори филиалида ўтказилган қисқа муддатли текширишларда бозорга келган сотувчилардан бир марталик йиғим суммасини назорат-касса машинасидан чек бермасдан йиғиб олинаётганлиги такроран аниқланган.

Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан «Нуробод деҳқон бозори» МЧЖ ва унинг филиалларидаги қонунбузарликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида Нуробод туман ҳокими, Самарқанд вилоят Бозорлар ва савдо комплекслари уюшмаси раиси ҳамда «Нуробод деҳқон бозори» МЧЖ раисига тақдимномалар киритилган.

Хусусан, «Жом» деҳқон бозори ва «Жом» мол бозори филиаллари фаолияти юзасидан солиқчилар томонидан қисқа муддатли текширишлар ўтказилиб, бозор назоратчилари сотувчилардан бир марталик йиғимларни ундириб, назорат-касса машинасида чек бермаганликлари ва бошқа бир қатор хато-камчиликлар аниқланган. Унинг натижаларига кўра, жамият мансабдор шахсларига нисбатан тегишли маъмурий жазо чоралари ва жамиятга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилган.

Жумладан, «Жом» мол бозори филиалида ўтказилган қисқа муддатли текширишларда бозор назоратчиси Жамшид Ўсаров бозорга келган сотувчилардан бир марталик йиғим суммасини назорат-касса машинасидан чек бермасдан йиғиб олаётганлиги такроран аниқланган.

**Ўтказилган назорат тадбирлари натижалари шуни кўрсатганки, мазкур бозорларда хронометраж ва текшириш ўтказилган кунлар бир марталик йиғимдан тушган тушумлар кескин кўпайиб, назорат тадбирлари ўтказилмаган кунлар эса кескин камайиб кетиши кузатилган. Бу ҳолат бозор назоратчилари томонидан бир марталик йиғимдан тушган маблағлар тўлиқ кирим қилинмасдан, ўзлаштирилаётганидан далолат беради.**

Бозор ва унга қарашли барча филиаллар ҳудудларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмаган, асфальтланмаган, электр энергияси билан таъминланмаган, ёриткичлар ўрнатилмаган ва тегишли инфраструктура ишлари шакллантирилмаган. Айрим филиалларда савдо расталари мавжуд эмаслиги сабабли фуқаролар ерда ва белгиланмаган жойларда савдо қилишмоқда.

Шикоят хатида кўрсатилган важларни ўрганиб қайтганимиздан кейин **орадан олти ой ўтди.** Биз бозордаги вазият яхши томонга ўзгарса керак, деган фикрда мақолани чоп этишга шошилмаган эдик. Масъуллар «Жом» мол бозорида тартиб ўрнатиб, Жамшид Ўсаровнинг патта йиғишига чек қўйишар, дея ўйлагандик. Яқинда яна «Жом»да бўлиб, бозорга кирдик. Мол бозорига кираверишда Жамшид Ўсаров шериги билан патта пулини олаётганига гувоҳ бўлдик... Бу ҳолни қандай тушуниш мумкин?

Вилоят Бозорлар ва савдо комплекслари уюшмаси раиси Тоҳир Мамадалиев эса «ишлаётган бўлса, нима қилибди», деган кайфиятда юрибди. Эҳтимол, бозордаги тартиб-интизом, давлат хазинасига пул тушуми аҳволи ҳам уни қизиқтирмаса керак. Акс ҳолда, масалага муносабати бошқачароқ бўларди...

**Равшан ШОДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

Ушбу мақоладаги масала бир қарашда майда мавзуга ўхшаб туюлади. Кичик бир бозордаги патта тушумини муаммо қилиб кўтариш шартмиди, деб ўйлайдиганлар топилади.

Биринчидан, фуқаролар шикоят қилгани учун масалани ўрганишимиз керак эди. Иккинчидан, сир эмас кўпгина бозорлардаги тушумларнинг аксарият қисми кассага эмас, кимларнингдир чўнтагига тушаётгани одатий ҳолга айланиб қолганини биламиз. Тўғриси, назорат қилувчилар ҳам, жамоатчилик ҳам бунга кўникиб қолгандекмиз.

Ўйлаб кўрайлик, республикамизда қанча катта-кичик бозорлар бор, кундалик тушумларнинг қанчаси уёққа, қанчаси буёққа кетяпти? Ушбу мақолани ёритишдан мақсад — бозорлардаги тартиб-интизомга яна бир бор эътибор қаратиш, камчиликлар устида ўйлаб кўришга масъулларни, жамоатчиликни даъват этиш. Эҳтимол, бозорларни тартибга солишнинг янги — инновацион усуллари ҳақида ўйлаб кўриш керакдир. Эҳтимол, ҳафтанинг ҳар якшанбасини «Бозорлар куни» деб эълон қилиш ва шу куни тегишли идоралар мутасаддилари жамоат ташкилотлари вакиллари билан биргаликда бозорларни айланиши, тартиб-интизомдан кўз-қулоқ бўлишини йўлга қўйиш керакдир. Ўшанда тушумларни қиёслаб кўриш имконияти яратилади, камчиликларга маълум даражада барҳам берилади, харидорлар манфаати ҳимоя қилинган бўлади.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



► Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
► Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
► Ямобуры.
► Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
► Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Saidkamol XODJAYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 238. 14299 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:03.
Topshirilgan vaqti — 00:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.
1 2 3 4 5